



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1930



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

**5 февраль 2021 йил
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 февраль. Бухоро

Kuldi har yon g'unchavu ko'nghlim ishi motam hanuz.

(“Badoye ul- bidoya” 243-g'azal)

G'arib oshiq butun bir bog' xurram bo'ldi, quvonchga to'ldi, lekin bir gulning dastidan ichimda hanuz g'am bordir, har yonda g'unchalar kuldi lekin hamon ko'nghlim ishi motamdir, deya mahzun ko'ngil nolalarini izhor qilmoqda. Tanosib san'atini vujudga keltirgan **bog', gul, g'uncha** hamda **g'am, motam** so'zlari baytning yanada ta'sirliroq chiqishini ta'minlamoqda.

She'riy san'atlarning qimmatini baytda yaratilgan badiiy lavhalar, timsollarning yangiligi betakrorligi bilan belgilanadi. Navoiyning deyarli barcha baytida shunday ohoriy san'atlarga duch kelamiz. Navoiy ijodi bir ulkan ummondiki, uni bir necha asrlar davomida o'rganib hali hamon tubiga yetmay kelmoqdamiz. Dolzarb va hayotiy hikmatlaridan bugungi kungacha saboq olishda davom etyapmiz. Navoiy ijodini o'rganish biz yoshlarda sog'lom tafakkur tarzi shakllanishiga, ma'naviy dunyoyimizning mukammal bo'lishiga va o'zbek adabiyoti tarixining eng muhim davri haqida ma'lumotga ega bo'lishimizga katta yordam bermoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Husayniy Atoullloh. Badoye-us-sanoyi'. – Toshkent, 1981.
2. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. Birinchi tom. Badoye ul-bidoya. – Toshkent: “Fan”, 1998.
3. Yoqubjon Ishoqov. So'z san'ati so'zligi. – Toshkent: “Zarqalam”, 2006.
4. Anvar Hojiahmedov. Mumtoz badiiyat malohati. – Toshkent: “Sharq”, 1999.
5. Sirojiddinov Sh. Alisher Navoiy manbalarining qiyosiy-tipologik, tekstologik tahlili. – Toshkent: Akademnashr, 2011.

МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ

Ҳусниддин Эшонқулов,
филология фанлари доктори (БухДУ)

Атоуллоҳ Ҳусайний кўчимнинг муҳим турларидан бири бўлган, “вақтинчалик омонатга, ориятга олмоқ” маъносини англатувчи истиорани “мажознинг бир навий” сифатида талқин этади. Унинг шеърят учун муҳим жиҳатини куйидагича изоҳлайди: *“Истиора, балки умуман мажоз йироқ бўлмай табъга маъқулу мақбул бўлса, сўзнинг мукамал зийнатидур ва фасоҳату балогат арбоби қошинда ҳақиқатдин яхишироқдур”* [Ҳусайний 1981: 219]. Бу таъриф ирфоний маъно билан зийнатланувчи ошиқона ғазалиёт учун ниҳоятда муҳим. Чунончи, Навоий ғазалиётидаги мирак,

ва ундан олдинги байтдан бўлак ҳар бир байтида ошиқнинг маҳзун ҳоли билан контраст ҳосил қилган.

Матланинг илк мисрасида сабога мурожаат этган ошиқ ундан сарв сингари қомати тик, чиройли юрувчи маҳбубасига ўз ҳолидан хабар етказишини ўтиниб сўрайди. Бу ўтинчдан ошиқнинг ҳоли яхши эмаслиги англашилади. Кейинги мисрада йиғиларининг шиддатли тус олганини гулнинг барги янглиғ кулиб турувчига айтишга ундалишидан дастлабки муҳим контраст тасвир намоён бўлади. Шу тариқа мабодо ошиқ севгилисига берган аҳду паймонини бажариш қийинчиликларидан ўлиб қолса, унинг хабарини баъдахду паймонга, маъшуқа зулфининг зуннори (узун гажакларнинг иймон тимсоли бўлган юзни тўсиб туриши)дан таъсирланган ошиқ тоат-ибодатлари самарасининг куфр (динга тўсқинлик қилиш) билан алмашганини номусулмон – бераҳмга, жаҳону жонни унинг йўлига садқа қилган ошиқнинг бундай жасоратини юз-минглаб жону жаҳондан яхши жононга, севгилиси йўлида юз-минглаб жонни садқа қилса ҳам, ошиқнинг пушуймон бўлмаслигини васлига бир ваъда қилгандан пушаймонга, одамларни мағлуб этиш ниятида севгилининг ёқасини чок қилиб, сархуш ҳолда чиққанидан уялган ошиқнинг ўлим топиши-ю, бошқаларга жон бахш этилишини бебок – андишасиз нодонга етказиш билан боғлиқ сабога ўтинчлар замирида ошиқ ҳоли билан маъшуқа сифатлари ва севгилининг дунё гўзалликларидан беқиёс устунлиги орасидаги зиддиятлар юқорида қайд этилган тасвирий воситаларга таяниб бадийлаштирилади. Ҳазалда маъшуқанинг “*номусулмон*”, “*бебок нодон*” сингари қусурлари истиоралар воситасида санъаткорлик билан бадийлаштирилганлиги боис улар шеърхонда инсонга хос иллатлар сифатида таассурот қолдирмайди. Мақтадан олдинги байтда дунё боғидаги гулларнинг гўзалликлари вафосиз – ўткинчи эканлиги билан боғлиқ ирфоний мазмун касб этган хулосавий тамсилни шундай гўзалликлари ташбеҳи мўъкадлар ёрдамида бадийлаштирилган “*Юзи – гул, жисми – суман, кўйи – гулистонимга*” етказиш ўтинчи воситасида маъшуқа кибрдан сақланишга, ошиққа эътиборли бўлишга даъват этилади. Мақтада ҳеч бир гулшаннинг Навоийдек хушнаво булбули мавжуд эмаслигини сўзамоллар шоҳига етказиш билан боғлиқ ўтинч замирида улуғ шоир ўз ижодидан масрур эканлигини ҳам шеърхонга билдириб қўяди. Кўринадики, Ҳазалдаги ошиқ ҳоли ва маъшуқа сифатларига оид эпитетлар истиоралашиб, улуғ шоирнинг адабий ниятига уйғун ҳолда поэтик вазифани бажаради ҳамда таъриф-тавсифу ҳол талқинига бағишланган ушбу Ҳазалнинг таянч ғоясини шеърхонга етказишда ва Ҳазалнинг ўзига хос композициясини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис

Алишер Навоий айна услубдан юқорида тилга олинган ғазалларида юксак маҳорат билан фойдаланади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 3-том. – Тошкент: “Фан”, 1988.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 4-том. – Тошкент: “Фан”, 1989.
3. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 1983.

**“SAB`AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI
YARATISHDA ASOS BO`LGAN MANBALAR**

G. Sh. Qobilova

I bosqich magistranti (BuxDU)

Ulug' mutafakkir shoir Alisher Navoiyning “Xamsa”si tarkibiga kirgan “Sab`ai sayyor” dostoni ilmiy-tanqidiy matnini taniqli matnshunos olim Porso Shamsiyev o`rganib, nomzodlik dissertatsiya doirasida tadqiq etgan. Matnshunos olim “Alisher Navoiyning "Sab`ai Sayyor" dostonini ilmiy-tanqidiy matni va uni tuzish prinsiplari” maqolasida “1940-yillar oxirida biz Alisher Navoiyning “Sab`ai sayyor” dostoninig ilmiy-tanqidiy matnini tayyorlashga kirishdik” [2,5] degan fikrlarni aytib o`tadi. Porso Shamsiyev doston matni ustidagi 12 yil ish olib borib, 1952-yilda matnni tayyorlab, 1956-yili “Sab`ai sayyor” asarining ilmiy-tanqidiy matnni nashrga berib, chop ettiradi.

Respublikamiz va dunyoning bir qancha mamlakatlari kutubxonalarida “Sab`ai sayyor” dostonining ko'plab qo'lyozma nusxalari mavjud. Ilmiy-tanqidiy matnni tuzib chiqishda Porso Shamsiyev ana shu nusxalarning qariyb barchasini o'rganib chiqishga harakat qiladi. Olimning matnshunoslik tadqiqotlarini o`rganayotganimizda, Porso Shamsiyevning noyob iste`dod va chuqur bilim egasi ekanligining guvohi bo`ldik.

Chunki har bir nusxani sinchiklab o`qish bilan birga boshqa nusxalar bilan qiyoslab ham o`rganilgan.

Matnshunos olim “Sab`aisayyor” dostoni tanqidiy matnini tuzishda Alisher Navoiyning o`zi yaratgan (avtograf) nusxasini topolmaydi. Shuning uchun “Sab`aisayyor” asari ustida ilmiy tekshirishlar olib borish ishni ancha qiyinlashtiradi.

<i>Murodova Gulchehra</i> “HAYRAT UL ABROR” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI... ..	68
<i>Шоҳиста Низомова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.. ..	71
<i>G. S.Omarova, M. R. Bozorbayeva</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	76
<i>Ражабова Маърифат</i> САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	80
<i>Зулайҳо Раҳмонова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАВБА ТАЛҚИНЛАРИ... ..	84
<i>Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitara</i> "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA HAYRAT VA FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILYIY HIKOYATNING AHAMIYATI.	89
<i>Safarova Shahlola</i> “SABB‘AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G‘OYAVIY –BADIY TAHLILI... ..	94
<i>Hilola Safarova, Mohigul Ismatova</i> ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	98
<i>Sayliyeva Zarina</i> “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...”.....	100
<i>G. Sayidova</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI... ..	104
<i>H. H. Tevaev</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.	107
<i>Xudoyorova Nigora</i> NAVOIY NAZMINING JILOLARI.....	111
<i>Д.К.Эргашева</i> ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ.....	113
<i>Ergasheva Naima</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA TANOSUB SAN‘ATI.....	118
<i>Ҳусниддин Эшонқулов</i> МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	120
<i>G. Sh.Qobilova</i> “SAB‘AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO‘LGAN MANBALAR.....	124
<i>Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОГАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ... ..	126
<i>Halimova Shahlo</i> ALISHER NAVOIY TARJE‘BANDLARINING TASVIR MONIYATI... ..	130
<i>Hojiyeva Nigina</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ..	133
<i>Azimjon Hamidov</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR.....	137
<i>Vaxobova Shoxida</i> “MUNSHAOT” MAKTUBLARIDA NAVOIY QARASHLARINING AKS ETISHI.....	140

